



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

№ 96 (19.172).

1985 йил 25 апрель, пайшанба

Баҳоси 3 тийин.



КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ПАРТИЯГА, ВАТАНГА!

ЎЗБЕКИСТОН МЕХНАТКАШЛАРИ БАРЧА СОВЕТ КИШИЛАРИ КАБИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1985 ЙИЛ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЛАНД РУҲ БИЛАН КУТИБ ОЛДИЛАР. МЕХНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА ПЛЕНУМ МАТЕРИАЛЛАРИ ЗУР ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОР БИЛАН ҲАМ ИШЛАШМОҚДА. МЕХНАТКАШЛАР ПАРТИЯ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ҲАЙРАТ-ТАШАВБУСНИ КУЧАЙТИРМОҚДАЛАР. РЕДАКЦИЯГА КЕЛАЁТГАН ХАТ-ХАБАРЛАРДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАМЛАКАТ СОЦИАЛИСТИК ТАРАҚҚИЙТИНИНГ СУРЪАТЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ, СОВЕТ КИШИЛАРИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ, ВАТАН КУЧ-ҚУДРАТИНИ МУСТАҚАМЛАШ БОРАСИДАГИ РЕЖАЛАРИНИ РЎБЕГА ЧИҚАРИШ УЧУН УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИ ҚИЗГИН ТУС ОЛИБ БОРАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНМОҚДА. ПАРТИЯНИНГ НАВБАТДАГИ XXVII СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР БУ УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА ЮСАК СУРЪАТ ВА САМАРАДОРЛИК БАҒИШЛАЙТИР.

ЯНГИ ТЕХНИКАГА ТАЯНИБ

Заводимиз ишчилари КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган апрель Пленумининг жонажон партияимизнинг навбатдаги XXVII съездини қабул қилиш, унга тайёргарлик қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни тўғрисида қарорини чуқур ўрганмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрқон М. С. Горбачевнинг Пленумдаги докладыда фар-техника тараққиёти эканлигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Биз Пленум ўртага қўйган масалаларни астойдил қўллаб-қувватлаб, уни амалга

оширишга муносиб ҳисса қўлиш мусобақасини авж олдираверамиз. Янги технологияларни жорий этиш, энг юқори самара берадиган машина-ускуналардан кўпроқ фойдаланишга интилиш бизнинг корхонамиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Заводимизда ирригация ишларида кент қўланиладиган ускуналар ишлаб чиқаришда қўлланмоқда, булар қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кейинги вақтда механика цехининг ўзинида 30 та янги станок ўрнатилди. 1985 йилнинг ўтган ойларида эса бир қанча эски ускуналар ўрнига янги

станоклар жойлаштирилди. Бу тadbир корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бермоқда. Бутун кунда биз «ДЗ-602» маркали ер текислаш, «МК-46» маркали қанал қазич машиналарини тайёрлаб чиқаришга киришдик. Уларнинг дастлабки туркумлари областимизнинг қўриқ Комсомолоб району совхозларида синавдан яхши ўтди.

Янги техникага таянган кишилар ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришаверади. Биз корхонада юқори самарали янги машиналар тайёрлаш билан мамлакатимиз ирригация тармоқини ривожлантиришга кўпроқ ҳисса қўшаверамиз.

Р. ХОЛИҚОВ,
Галабанинг 30 йиллиги
номали «Анжиканмаш»
заводининг ишчиси.

ИСТИКБОЛ ПРОГРАММАСИ

Бригаданинг аъзолари куни кеча матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми материалларини зўр қизиқиш билан қўлиб олдилар. Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрқон М. С. Горбачевнинг Пленумдаги докладыда фар-техника тараққиёти эканлигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Биз Пленум ўртага қўйган масалаларни астойдил қўллаб-қувватлаб, уни амалга

Бундан кўриниб турибдики, қилинадиган ишлар кўп, вазифалар нақадар улур. Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун докладыда таъкидланганидек, биринчи навбатда одамлар активлаштирилган тақдирда нисбатан тез самара олиш, ҳар бир киши ўз ўрнида виждонан ва тўла самара билан ишлайдиган бўлишга эришиш мумкин. Бунга чуқур аниқланган бригадамиз аъзолари дала ишларини ўз вақтида, сифатли ўтказиш билан юқори самарадорликни таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Биз йил бригадамиз чуқурларига 75 гектар қўриқ ерда гўза ўстиришмоқда. Биз кўкмаши дала ишларига пухта тайёргарлик билан киришдик, барча майдонга сифатли қилиб чигит едик ва уни бир текис ундириб олишга эришдик.

Ҳозир даладлар яшилди.

ТАШКИЛОТЧИЛИКНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

Маҳсулотимизга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бораёпти. Шу тўғрисида ҳам бирлашма маъмурият ва партия комитети бутун диққат-эътиборини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратяпти. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида коллективимиз пилдан ташқари 58 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Шу йилнинг биринчи кварталли мобайнида эса пилдан ортиқча 1636 минг сўмлик нафис газлама ишлаб чиқардик.

Партия комитети ва касса-саноат, комсомол ташкилотлари социалистик мусобақани қизича авж олдириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати

риш ҳақида қарор қабул қилди. Шунингдек, Пленумда сўзлабдики, социалистик мусобақани янада авж олдириш, омма ўртасидаги ишларни ташаббусларини кент қўлоқ билдириш юзасидан партия комитетларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Бирлашма партия комитети Пленум материалларини коммунистлар ва барча тўқувчилар орасида актив пропаганда қилиш билан бирга, бутун куч ва ресурсларни ўзи биринчи беш йиллик топширилари шараф билан бажариб, жонажон Коммунист партияимизнинг XXVII съездини муносиб меҳнат соғалари билан қўлиб олиш учун курашга сафарбар этиш йўлидаги ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни янада авж олдираверади.

Х. НИЗОМИТДИНОВ,
Марғалон афрон газламалар «Атлас» ишлаб чиқариш бirlашмас партия комитетининг секретари.



«Жонажон партияимизнинг XXVII съездини меҳнатда муносиб соғалар билан қўлиб оламиз» — «Главташкентстрой»га қарашли 11-«Висотстрой» трести 69-қурилиш бошқармаси бўвёдкорларининг аҳди ана шундай. Қурувчилар партия даъватига жавобан социалистик мусобақани кучайтириб, иш вақтидан уқумли фойдаланиш, материал

ларни тежаб-тергаб сарфлаш учун тинмай курашмоқда. Суратда: В. Петренко (чапдан биринчи) бошлқ бригада қурувчилари КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми материалларини ўрганишмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

ИШЧИ СЎЗИ ИНТИЗОМ—МУҚАДДАС

КЕИИНГИ вақтларда корхонамиз илгор меҳнат коллективлари қаторида тилга олинган бўлиб қолди. Шу йилнинг биринчи кварталда планга қўшимча равишда 787 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди, меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи анча ошди.

Коллективимизда ҳар бир кишининг моддий манфаатдорлиги пировард натижага, ҳар кимнинг умумий ишга қўшган ҳиссасига қараб белгиланади. Бригада пудрати усули бу принципни жорий этишда қўл келмоқда. Кимки ҳалол, серурум ишласа, шунга яраша ҳақ олади, интисодий ва маънавий рағбатлантирилади. Интизомни бузган, прогугул қилган, бракка йўл қўйган киши эса маъмурий йўл билангина эмас, жамоатчиликнинг таътири билан ҳам тартибни рағбатлантиришда ишлаб чиқариш қўрсаткичлари билан бир қаторда, ҳодимнинг иқтисодий активлиги, ахлоқий жиҳати, шунингдек, бригада кенгаши аъзоларининг, ишчиларнинг фикри ҳисобга олинади.

Коммунистик меҳнат зарбдори бўлган, 256 ишчи ишлаб чиқариш интизомининг ҳақиқий жонқуярларидир. Мурбаблардан Бекпошпа Вобожонова, Ажаргул Бошибоева, Аҳмадхон Худойберганов, пешкадам ил йиғувчилар — СССР Олий Совети депутати Гулжон Раҳмонова, шаҳар Совети депутати Шакаржон Шарипова, мастер ёрдамчиси Мат

назар Машариповлар интизомда, ишнинг самарадорлиги ва сифатини таъминлашда ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар.

Бу ишчиларнинг нимаси иборатли? Гап — фақат иш вақтининг ҳар бир дақиқасини қадрлашда ва унумли ишлайишдагина эмас. Чинакам ташаббускор ишчи ўзи илгор бўлгани билан қаноатланиб қолмайди, ёнма-ён ишлайётган ҳамкасбларининг қандай меҳнат қилаётганини, тартиб-интизомни, ахлоқини ўзининг эътиборида бўлади.

Сафдо қўлоқлар, прогугуллар, бракчилар бўлишга тоқат қилолмайди. Ўзгиртириб қилиш керакки, меҳнат интизомининг бузилишига, прогугулчилик ва масъулиятсизликка ҳали ҳам узил-кесил барҳам берилган эмас. Корхонамизда бундай фактларга қарши муросасиз, юз-хотирсиз кураш олиб борилаётган. Баъзи мисолларни келтирайман.

Автобус ҳайдовчиси Ёркин Муҳаммадов ишга кечикди, натижада ишчилар цехга ўз вақтида етиб келолмадилар. Бир кишининг интизомсизлиги кўпчиликнинг кайфиятини бузди, анча иш вақтининг бой берилишига олиб келди. Орадан кўп ўтмай, шундай факт яна такрорланди. Ишчиларнинг тақдирини кўра, интизомсиз шофёрга квартира бериш навабати кечиктирилди. Шунингдек, Шариф Рўзметов ишга кечикди, ипакни қайта ўривчи машинани бекор қўйгани, Зулайхо Каримова ва Ҳамро Шариповлар меҳнат интизомини бузганликлари учун квартал якуни бўйича ақратил

ган мукофотдан маҳрум этилдилар. Маънавий жазо, деворий газета танқиди, жамоатчилик иззасининг таъсир кучи танбеҳ ёки ҳайфсандан, моддий ҳаётлардан кам эмас. Тарбиянинг бу воситаларидан фойдаланиш ўз самарасини бераётмиш.

Партия, кассаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ контроли группаси, ўрқонлик суди ва маъмуриятнинг тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ҳосасидаги фаолиятини камситмаган ҳолда, ишчилар коллективининг ва ҳар бир кишининг корхона, цех ва бригаданинг аҳвол учун масъулиятини ошириш масаласига эътиборини жалб қилмоқчиман. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумларида таъкидланганидек, меҳнаткашлар интизом ва тартибни мустаҳкамлаш таътири билан бўлиб чиқарилган ишчилар интизомини бузиш ва прогугул қилишга, штурмчиликка, бракка ва қўлиб ёзишларга ўрин қолмайди.

Фабрикаимиз мисолга олайлик. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг аҳволи учун масъулият тўғрисида ишчилар оғинга сингиб кетган, етилган масалаларни ҳал қилишда коллектив аъзолари фикрига қўлоқ солинад.

Иш вақтининг зое кетишига сабаб нима? Шу савол ўртага ташланганда, кўпгина ишчилар ўз мулоҳазаларини айтидилар, интизом бузилишининг сабабларини очик қўрсатдилар.

Мана, энди ўша талаблар имкони борича қондирилиб,

бир қатор муаммолар ҳал этилди. Фабрика қўшида дорихона, омонат касса, почта бўлими очилди. Иш вақтида магазин ёки киоскка «ғириллаб» боришларга чек қўйилди. Чунки шу ернинг ўзида жойлашган тармоқларнинг иш графикалари ишлаб чиқаришга ҳадақит бермайдиган тарзда белгиланган.

Корхонамизда ишчилар тақдирини ўрганиш ва қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор берилади, зарур пайтда йилнинг ва ишлаб чиқариш кенгашларида муҳокама этилади. Битта мисол: бригадир А. Иброҳимов меҳнатни ташкил қилишнинг янги, прогрессив формасига шубҳа билан қаради, коллектив пудрат методиди афзаллигига ишонмади. Эскича ишлаб қимматга тушди, бригаданинг иқтисодий кўрсаткичлар пасайиб кетди, бу ҳол ишчиларнинг моддий манфаатдорлигига салбий таъсир қилди. Ишчилар тақдирини нисбатта олинди, бригадир А. Иброҳимов бошча ишга ўтказилди. Янги бригадир И. Бобожонов раҳбарлигида коллектив пудрат методи дадил жорий этилди, бригаданинг иқтисодий кўрсаткичлар ахшланаяпти, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишда унумдорлик ва сифат таъминланаяпти.

Меҳнат мажбурий заруратдан онгли эҳтиёгга, шон-шараф ишга айланган бизнинг жамоатимизда меҳнат интизомини муқаддасдир. Юксак интизом — маънавий етуқлик тисмол. Интизом совет кишининг ҳислатига, ахлоқ нормасига айланди.

Р. ҚЎЧҚОРОВА,
Ўрганишдаги КПСС XXV съездини номли ишлаб чиқариш фабрикаси йиғрувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

бўлган хоҳиш-ирода Хельсинкида яна бир бор ихор этилса фойдали бўлур эди, деб таъкидлайди газета.

«Совет раҳбари айтганидек, ядро ва космик қудратлар юзасидан Женевада ўтказилган музокараларнинг биринчи босқичи шунинг кўрсаткичи. Қўшма Штатлар бир битимга эришишга интилаётгани йўқ», — деб ёзди «Нью-Йорк таймс» газетаси. Пленумда, деб ўқиради «Вашингтон пост» газетаси, башарти Вашингтон ўзининг ҳозирги позициясига тузатиш киритса, Женевада муваффақиятга эришиш имконияти вужудга келиши айтиб ўтилди.

(ТАСС).

ҒАЛАБА БАЙРАМИГА — МЕХНАТ БАЙРАМИ

Ўзбекистон меҳнатчилари қаҳрамон шахарлар — Москва, Ленинград, Волгоград корхоналари ва ташкилотлари коллективларининг совет халқи Ўлғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 40 йиллигига бағишлаб, 4 май куни Бутуниттifoқ коммунистик шайбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусига ақдйлик билан қўшилишмоқдалар.

● ТОШКЕНТ. Октябрь Москвадаги Ғалаба ёдгорлиги қурилишига ўтказишга аҳд қилинди.

● САМАРҚАНД. Қаттиқ қотишмалли пармалаш ускуналарини ишлаб чиқувчи ва ишлаб чиқарувчи тажриба заводининг меҳнатчилари Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига 4 май куни коммунистик шайбалик ўтказишга аҳд қилдилар. Р. Льюкена, А. Минбуллаев, Я. Манашев бригадалари шу кунни энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш мажбуриятини қабул қилдилар. БАМ, Чека Шимол ва мамлакатимизнинг бошқа регионларидаги кончилар ҳамда геолог-разведкачилар учун шайбалик завод 3,5 мингта няхотда пишиқ коплама ишлаб чиқаради. Шунча маҳсулотнинг ярми фахрий беш бурчак билан белгиланади.

(ЎзТАГ).

Республика областларида чигит экиннинг бориши тўғрисида шу йил 24 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

[Планга нисбатан процент ҳисобида]	
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда экинган майдон; учинчи устун — мавсум бошқидан бўён.	
ТОШКЕНТ	100,2
СУРХОНДАРЁ	0,6 100,0
Бухоро	2,0 97,9
Наманган	1,9 97,4
Қашқадарё	1,2 97,1
Фарғона	3,9 90,5
Андижон	3,8 90,4
Сирдарё	6,4 85,3
Жиззах	5,8 85,2
Навоий	3,9 84,3
Самарқанд	5,6 83,6
Хорезм	6,3 59,9
ҚАССР	3,0 14,2

Республика бўйича: 3,3 84,2

МАҲСУЛОТ СИФАТИ НАЗОРАТ ОСТИДА

Фарғонада бўлиб ўтган республика семинар-кенгашида Ўзбекистон саноатда маҳсулот сифатини назорат қилишни ривожлантириш, техника контроли бўлимини тақомиллаштириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Мунозараларда асосий эътибор техникавий назорат хизматининг роли ва масъулиятини ошириш проблемаларига қаратилди. Меҳнатни бригада пудрати асосида ташкил этишни тақомиллаштиришга, пишиқ пухта бажарилган иш учун моддий рағбатлантиришга катта аҳамият берилди. Сифатни бошқариш комплекс системаси, назоратини автоматлаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Семинар қатнашчилари Фарғона областининг бир қанча корхоналарида бўлиди. Қабул қилинган тавсияномаларда саноат маҳсулот сифати устидан назоратни янада яхшилаш юзасидан тадбирлар белгиланди.

(ЎзТАГ).

НИКАРАГУА ДЕЛЕГАЦИЯСИНING СССРГА ҚИЛАДИГАН АМАЛИЙ ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзаро келишиб олинганга мувофиқ Никарагуа Республикасининг президенти, Сандинчолар миллий озодлик фронтини миллий раҳбарлик органининг аъзоси Д. Ортега бошчилигидаги Никарагуа делегацияси 1985 йил апрель ойининг охирида амалий визит билан Совет Иттифоқига келди.

БРАЗИЛИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ДОКТОР ЖОЗЕ САРНЕЙ КОСТА ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИГА

Бразилия Федератив Республикаси президенти лавозимини бажаришга киришганлигини муносабати билан қўлловлар ва эзгу истакларни қабул қилгансиз.

Совет Иттифоқи билан Бразилия ўртасида инқила мамлакат халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушайтган барқарор ўзаро манфаатли муносабатлар бундан бўён ҳам самарали ривожланади, деб умид билдирамыз, бу эса умумий халқаро ваъзятни соғломлаштиришга, тинчликни мустаҳкамлашга қўмаклашад.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

Бразилия Федератив Республикасининг президенти Тинкредо де Алмейда Невес вафот этганилиги муносабати билан Сизга ва Бразилия халқига чуқур таъзия билдирамыз.

Президентнинг қариндошлари ва яқин кишиларига сазимий ҳамдардларини топиширингизни сўраймыз.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ПРОЛЕТАР ПАРТИЯСИНING РЕВОЛЮЦИОН ТАКТИКАСИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг партия Марказий Комитетининг кун кеча бўлиб ўтган Пленумидаги «КПССнинг навбатдаги XXVII сьездини чакриш, унга тайёргарлик қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида»ги доклади партия ўз фаолиятида ҳар доим Ленинча анъаналарга содиқ эканлигини яна бир бор исботлади. Партияни, халқ оммасини галдаги вазифаларга сафарбар этишнинг В. И. Ленин бошлаб берган анъаналари ичиди РСДРПнинг III сьезди алоҳида ўрин эгаллайди.

В. И. Ленин 1905 йил 9 январдаги воқеалар хусусида: «Ишчилар синфи раҳбарлар урушидан катта асоқ олди», — деб ёзди.

10 январда революцион ҳаракат бутун Петербургни қамради. Шу кунги пойтахт ишчиларидан ибрат олиб, Москва пролетариати курашга отланди. Қонли яхшиба бутун мамлакат бўйлаб ишчилар оммасини чоризмга қарши курашга отландирди. Инқилоб тўлиқни Туркистонга ҳам етиб келди. 12 январда Тошкентда ўлка тарихида биринчи марта сиёсий митинг ўтказилди. Бундай митинглар Самарқандда ва Қизил Арводта ҳам бўлди. Пролетариат кураши жуда кўп сонли деҳқонларга ҳам таъсир кўрсата бошлади. Февраль ойдаёқ Орёл, Воронеж, Курск губернияларида деҳқонлар бос кўтарди.

Мамлакатда революция бошланди. «Бу революция, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарориди, — ишчилар ва деҳқонларнинг, аҳоли бошқа табақаларининг ғоят кенг оммасини сиёсий ҳаётга уйғотди, янги тарихий давр — чуқур социал ларзалар ва революцион жанглар даври бошланганлигидан дарак берди».

Халқ революциясининг қудратли тўлиқни пролетариат авангардидан омманинг инқилобий курашига тўғри ва қатъият билан сиёсий раҳбарлик қилишни талаб қилди. Бироқ меншевикларнинг буғунчилик ҳаракатлари натижада бу вазифани ҳал этиш мурасаблаш қолган эди. Меншевиклар партияни II сьездан орқага қайтардилар, ташкилий жиҳатдан майдалаштиришга, тўғрақозонликка ундардилар. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин рўй берган аҳволдан қутулиш учун партиянинг III сьездини чакриш тарафдорли бўлди. Мазкур сьезд партиянинг бўлини кетишига чек қўйиш, партия сафларини РСДРП Программаси асосида жишлатириш ҳамда бошланган революция шариоатида тактикани ишлаб чиқиш керак эди. В. И. Лениннинг ташаббусини маҳаллий партия ташкилотлари актив қўллаб-қувватладилар.


1904 йил августда Швейцарияда В. И. Лениннинг ташаббуси ва раҳбарлигида 22 нафар большевик иштирокида кенгаш бўлиб ўтди. Партия сьездини чакриш учун курашда муҳим босқич бўлган бу кенгаш В. И. Ленин томонидан махсус ёзилган «Партияга» мунозабатномасини қабул қилди. Ушбу ҳужжат большевикларга III сьездини чакриш учун курашда программа бўлиб қолди. Партия III

чоризм билан келишиб, революцияни бўғишга интиларди.

Сьезд қарорларида пролетариатнинг раҳбарлик роли остида, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи ҳақида В. И. Ленин томонидан олға сурилган ва ҳар томонлама чуқур ишлаб чиқилган ғоя ўзининг ёрқин ифодасини топди. У ана шу синфлар иттифоқи мавжуд бўлганига халқ революцияси галаба қозонади, деган ғоя эди. Иккинчи томондан, деҳқонларнинг ўзи пролетариат билан бўладиган иттифоқдан, унинг раҳбарлигидан манфаатдор эди. Чунки буржуазия эмас, фақат пролетариат деҳқонларнинг ер ва сув учун курашини қўллаб-қувватлашга қодир эди.

Сьездда пролетариат революцион марксистик партия бошчилигида ягона ва мустақил сиёсий кучга жишлатиш таъдирини революцияда раҳбарлик ролини ўйнаши мумкинлиги ўқитиб ўтилди. Сьезд чоризмни ағдариб ташлаш ва демократик республикани ўрнаш учун бирдан-бир восита сифатида умумхалқ қуроли қўзғолонини тан олди. Сьездда қуроли қўзғолон ҳақидаги масалани ҳаётнинг ўзи олға сураётганлиги ўқитилди.

Қуроли қўзғолон галаба қозонгач, пролетариат ва деҳқонлар революцион демократик диктатураси



Беруний районидаги «Правда» колхозининг сут соғувчиси Зевар Очилова ўз касбини мукаммал эгаллаганини туфайли ҳаммасилар ўртасида пешқадамликни қўлдан келтириб келтири. У ўз боқимдаги 25 бош ситиринг ҳар бирдан 3 минг килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга аҳд қилган. Суратда: З. Очилова. Р. Утамурадов фотоси.

Майолду меҳнат вахтасига ПАРВАРИШ БОШЛАНДИ

Жданов номи колхоз Термиз районида биринчи бўлиб чигит экинни 10 апрелдаёқ тугаллаган эди. Хозирча 800 гектар майдолдаги чигит қийғос униб чиқди. Хўжаликнинг Хотам Батраев ва Ифру Қориевлар бошлиқ 50 центнерчи бригадаларида дастлабки комплекс парвариш оммавий равишда бошлаб юборилди. Тракторчилардан Р. Ҳороқов ва Х. Хўнасовларнинг ҳар бири дастлабки 3-4 кунда 25-30 гектардан ғўзани сифатли парвариш қилиб, озиклантирдилар.

Шу масивдаги Рўзбой Раҳмонов бошлиқ бригада миришкорлари ҳам 40 гектар ердаги ғўзани ягона қилдилар. Бригада тракторчиси О. Айнаев 3 кунда 19 гектар майдолдаги ғўзани сифатли ишлов берди.

Биз бултур ҳар гектар ердан 42 центнердан хирмон кўтарган эдик, — дейди колхоз раиси Қўрбон Хиллаев. — Бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 1 центнер ошириб, ялпи ҳосилни 6000 тоннага етказишга азму-назор қилимиз. Бунинг учун ғўза парвариши энг қулай муддатларда ва сифатли ўтказилмоғи даркор.

Дарҳақиқат, шундай. Колхознинг ипак пахта усталари ғўзанинг дастлабки комплекс парваришини 1 май байрамига қўла қўйиб, унинг сифат билан тугаллашга сўз бердилар.

А. ХАЛИЛОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Халқ истеъмоли моллари сифати — жамоатчилик назоратида КОРХОНА КЎЗГЎСИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ, РЕСПУБЛИКА РАДИОСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТЛАРИ БОШҚАРМАСИНING ҲАМ-КОРЛИҚДАГИ РЕЙД-ТЕКШИРУВИ

Партия ва ҳукуматимиз халқ фаровонлигини ошириш соҳасида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми ва республика Олий Советининг биринчи сессиясида таъкидлаб ўтилганидек, маъаниларда ҳаридорларга манзур бўладиган моллар қўнайиб бормоқда. Қўноқ тикучилик бirlашмасида таъйинланган қўйлар, Тошкент, Бухоро, Чуст маҳаллий саноат корхоналари нинг каштачилик бўюмлари, зарбўзлик маҳсулотлари, Наманган аври газламалар комбинатида тўқиб чиқариладиган миллий матолар сифати анча яхши.

Тошкентдаги «Малика» тикучилик ишлаб чиқариш бirlашмаси ва Қўноқ пойабз фабрикаси коллективлари аҳолининг ўсиб бораётган юксак дидига мос кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш учун жиғидй чора-тадбирлар қўймоқда. Бу корхоналар коллективлари тажриба-синов тариқасида потоклар ташкил этиб, чиройли ва сифатли замонавий маҳсулотлар таъйинлай бошладилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ташаббусни маъқуллади.

Тан олиш керакки, ҳамма корхоналарда ҳам иш шу қилда — юксак талабчанлик руҳида ташкил этилмаган. Аҳолининг кўркам, сифатли молларга, айниқса, болаларга атайган бўюмларга бўлган эҳтиёжи тула қондирилатгани йўқ. Маҳсулотларнинг сифатсизлиги, дид билан тинимланганлиги, ҳаридориг эмаслиги оқибатида кийим-кечаклар, тўқимачилик-галатерия бўюмлари, пойабзалнинг кўпгина турлари узоқ вақт сотилмасдан пештахталарда, омонорларда туриб қолган.

Айниқса, модалдаги маҳсулотларни етказиб беришда изчиллик етишмади. Республика кийим моделлари уйи цехининг бошлиғи

Мавжуда Ғойибовнинг таъкидлашча, турли ёндаги аёлларга мос кийимлар тикиб чиқариш соҳасида ҳали кўпгина ишлар қилиниши лозим. Тошкент тикучилик бirlашмаси мутахассислари эса аҳолининг хилма-хил газламалардан тикилган мавсумон кийимларга эҳтиёжини қондириш соҳасида ҳамма имкониятлардан фойдаланмапгилар. Кейинги уч ойнинг ўзидagina савдо ташкилотларидан 9 та эътирознома олинди. Улар маҳсулот сифатидаги камчиликлар, тикилиши ва чоклариди нуксонлар ҳақида куйини ёзадилар. Яна бир мулоҳаза: кийим-кечак тикилиши жараянларини таномиллаштириш билан шугулланувчи конструкторлар то инги моделларни таъйинлаб, расмийлаштириб, корхоналарда жорий қилинишига эришгуналарча икки йил ўтиб, модлар эскириб қолмоқда. Кейинги вақтда ацетат шойдан тикилган қўйлақларга эҳтиёж ҳам. Бунинг сабаби бор, албатта. Сунтий ипак чинарадиган корхоналар маҳсулотларининг янги турлари устида жиғидй иш олиб бораётганлари йўқ.

Тулистон тикучилик фабрикаси аёллар ва болалар қўйлақлари таъйинлашга ихтирослаштирилган. Ачинарли сифати шуки, бу ерда давлат стандартлари талабларига амал қилинмапти. Шу нуксонлари туфайли бу корхона маҳсулотлари савдо тармоқларидан бот-бот қайтариб юборилмоқда. Кейинги бир йилда 1812 та таъйин кийим корхонага қайтарилди. Бунда техника назорати бўлимининг бошлиғи Ҳафиза Сатторованинг ҳам айби бор. У агрегатлардан чиққан маҳсулотларни мастерлар, назоратчилар иштирокида сергаллик билан текшириб қабул қилиб олишни қатъий қонда қилиб қўймаган. Шу сабабли қўйлаб қўйлақлар сифатсиз таъйинланти.

«Ўзторгодежда»нинг Жиззах бўлаб базиси директори ўринбосари Бахтиёр Жа

лилов Жиззах трикотаж фабрикасининг маҳсулотлари, Самарқанддаги «8 Март» тикучилик фабрикасида таъйинланган кўрткаларнинг ностандартлиги тўғрисида ачиниб гапирди. Уларнинг енгилри қийиш ўрнатилган, чўткаларининг эни ва бўйи бир-бирига мос эмас. Бундай маҳсулотлардан 106 таси уни таъйинлаган корхонага жўнатилди ва 2022 сони жарима солинди. Хива тикучилик фабрикасида таъйинланган шимлар ҳам сифатсиз. Текшириб кўрилганда 150 та шимнинг почалари узун-қисқалиги, тумгалари ҳар хил оравлиқда қадаланган, чоклари ташлаб тикилгани аниқланди.

Тошкентдаги 2-пойабзал фабрикаси шаънига ҳам эътирозлар оз эмас. Бир кунда таъйинланган 400 жуфт пойабзал қўздан кечтирилган, уларнинг 355 таси нуқсонли деб топилди. Чирчиқ болалар пойабзали фабрикаси ҳам шундай аҳвол юз бермоқда. Ахир кийим-кечаклар савдо тармоқларидан корхонага нима учун ҳадеб қайтариб юбориллаверини ҳақида ҳам мулоҳаза қилиб кўриш керак-да. Шу кийим-кечакларни таъйинлашга қанчадан қанча хом ашё, меҳнат ва маблағ сарфланган. Уларнинг корхона ва савдо дўконлари оралиғида ташлаверишидан кимга фойда? Маҳсулот сифати — корхона кўзгуси. Ҳар бир ишчи ва мутахассис сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан ўз корхонасининг шон-шарафини эъзозлашини ҳамини ёдда тутиш керак. Бизнингча, ҳақиқий назоратчи — ишчи ва мутахассиснинг виждони.

Р. ҲОШИМОВ, Ўзбекистон Давлат стандартлари бошқармаси бўлими бошлиғи.

М. МУРОДОВ, республика радиоси махсус мухбири.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ, «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ШОНЛИ САНА

23 апрель кун Бандунг конференциясининг 30 йиллигига бағишлаб, Москва жамоатчилиги вакиллари нинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан кишилар Африка, Осиё мамлакатлари Бандунгда «тинч-тотув яшашнинг ўн принциплари» содиқ эканликларини билдирдилар, деб таъкидладилар.

лар. БМТ Устави мақсадлари ва қондаларини ҳурмат қилиш, барча мамлакатларнинг суверенитети ва территориял бутунлигини ҳурмат қилиш, уларнинг тенглигини эътироф этиш каби принциплар гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бу принциплар турли интимоий системалардаги давлатларнинг тинч-

тотув яшашидан иборат ленинча концепция билан ҳам-охангдир. Бу концепция Совет давлати ташқи сиёсий йўлининг негизини ташкил этган бўлиб, уни планетадаги барча тинчликсевар кучлар маъқулламақдалар.

Хиндустоннинг Совет Иттифоқидаги элчиси С. Нурул Ҳасан айтдики, Бандунг вориси бўлиш қўйилмаслик ҳаракати халқларнинг империализмга, мустамла-

качилик ва апартеидга қарши, тинчлик ва қурулсизлашиш учун олиб бораётган курашига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари яқдиллик билан қабул қилган резолюцияда совет кишилари номидан Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларига нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва дўстлик ҳис-туғйуларини изҳор этидилар, бу халқларнинг сиёсий ва иқ-

тисодий мустақиллик учун, ер юзиди тинчлик ва ҳафсизликни сақлаб қолиш учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаётганлигини билдирдилар.

Йиғилишда бир қанча чет мамлакатларнинг Совет Иттифоқидаги дипломатия ва колатхоналарининг бошлиқлари иштирок этидилар. (ТАСС).

СОВЕТ АДАБИЁТИ ҲАФТАЛИГИ

ХЕЛЬСИНКИ. (ТАСС). Финляндия пойтахтида совет адабиёти ҳафталиги бошланди. Ҳафталик «Финляндия — Совет Иттифоқи» жамятининг ташаббуси билан ташкил этилган ва гиттерчулар фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Тинчлик ойлйги программасига мувофиқ ўтказилмоқда.

Адабиёт соҳасида Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги алоқалар доимо мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда. деди Финляндия таржимонлар иттифоқи бадийи проза таркимонлари секциясининг раиси Улла-Лийса Хейно хоним ТАСС мухбири билан суҳбатда. Бу йил совет адабиёти ҳафталиги жаҳон халқлари фашизм тор-вор қилинганлигининг ва иккинчи жаҳон уруши тугагачлигининг 40 йиллигини нишонлаётган ҳамда иккала мамлакат адиблари ана шу улут санани байрам қилишга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаётган шонли пайтда ўтмоқда, деди у.

МХ президентли Мозам

ЎЗБЕКЛАРДА ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТАЛАР • ШАРҲЛАР

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

МОЗАМБИК ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

МАПУТУ. Претория режими БМТ Ҳавфсизлик Кенгазининг Намбияга оид 435-резолюциясини четлаб ўтиш мақсадида янги ҳийла-найранг ишлатётганлиги, Жанубий Африка халқига қарши қонли репрессиялар қўйиб қўйилганлиги — апартеид сиёсати Африка жанубидаги беқарорликнинг асосий сабаби эканлигини кўрсатувчи аққол далилдир. Мозамбик Халқ Республикасининг президенти Самора Машел расмий визит билан бу ерга келган Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикасининг президенти Мануэл Пинту да Кошта билан учрашувда шу ҳақда гапирди.

САМАРАСИЗ ТУТАГАН СЕССИЯ

БРИССЕЛЬ. Бу ерда Европа иқтисодий ҳамжамияти министрилар кенгашининг қишлоқ хўжалиги министрлари иштирокида ўтказилган 2 кунлик сессияси натижасида тутади. Сессия 1985—1986 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархини белгилашга бағишланган эди. (ТАСС).

ЖЕНЕВА. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгаши ядро ва космик қуроолларга бағишланган Совет-Америка музокараларининг мақсадлари ҳамда руҳига зид бўлган қуроолларни пойғасининг давом эттирилишига йўл қўйиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. ЖТК жаҳон жамоатчилиги кенг оммасининг фикрини ифода этиб, космик қурооллар ишлаб чиқриш тўхтатилишини, ўртача олисликка учирлидиган қуроолларнинг синовлари, уларнинг ишлаб чиқариш ва Европада жойлаштириш тўхтатилишини, шунингдек стратегик ядро қуроолларини батамом тугатиш йўлидаги қаддам сифатида уларни анча

Жаҳон Тинчлик кенгашининг декларацияси

қисқартирилиши дарҳол эълон қилиниши талаб этади. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг муътабар делегацияси Женева музокараларининг қатнашчиларига топириган декларацияда ана шу талаблар баён этилди. Жаҳон Тинчлик Кенгаши вакиллари билан учрашувда (Америка делегацияси бундай учрашувдан бош тортиди) СССР делегациясининг бошлиғи В. П. Карпов Совет Иттифоқининг музокараларга принципал ёндашаётганлигини баён этиб берди. Музокаралардан кузатилган мақсад

космосда қуроолланиш пойғасининг олдини олишга ва ерда шундай пойғани тўхта-тишга қаратилган самарали ахдномаларни ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бунда пировард мақсад сифатида ядро қурооллари батамом тугатилиши назарда тутилмоқда.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Президенти Р. Чандра Миллатлар саройида журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб, Совет Иттифоқи Европада ўртача олисликка учирлидиган ракеталарни жойлаштирилиши ва бошқа жа-воб чораларини қўйиштиришни бир томонлама тартибда тўхтатиб қўйганлигини қайд этиб ўтди. АҚШ бу ташаббусларга бирорта ҳам ҳолис ният ифодаси билан жа-воб қайтармади. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президенти барча мамлакатлардаги тинчлик тарафдорлари инсониятнинг ядро ҳалокати хавфидан халос бўлиш йўлидаги орав-умидларни рўёбга чиқарилишига эришиш учун куч-ғайратларни активлаштиришлари кераклигини таъкидлади.

Итирмачи аср охирига бориб, Ер юзи аҳолиси қарийб 6,1 миллиард кишига етди. Аҳолининг қарийб 80 проценти ривожланган мамлакатларда истиқомат қилади. БМТ Бош секретарининг яқинда эълон қилинган докладида шу рақамлар келтирилган. Ҳозирги вақтда Ер юзи аҳолиси Янгила 79 миллион кишига қўлаймоқда, аҳолининг ўсиш суръати 60 йилларда 2 процентдан 1,65 процентгача пасаяган. (ТАСС).

